ЎзССР Давлат китоб палатаси

ЯНГИ ЙИЛИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ◊ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1997 йил 1 январь, чоршанба • № 1 (10.879) • Эркин нархда сотилади

## ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИГИ



*Азиз ватандошлар!*

*Янги йил оқшомида ҳар биримиз йил бўйи қилган ишларимизни сарҳисоб этиб, келгуси режаларни белгилар эканмиз, беихтиёр умр мазмуни, ҳаётнинг маъноси ҳақида ўйлаймиз.*

*Биз айни лаҳзаларда шу кунларга етиб келолмаган яқинларимизни эслаймиз. Уларнинг руҳини шод этишга ният қиламиз.*

*Ўтган йил яратганнинг ўзи бизни ёмон кўзлардан, ёвуз кучлардан асради. Юртимизда тинчлик, барқарорлик, ҳамкорлик янада мустаҳкамланди, одамлар ўртасида меҳр-оқибат кучайди. Биз ўзлигимизни, ноёб қадриятларимизни чуқурроқ англадик. Ҳар бир ишимизда маънавият устувор бўлмоқда.*

*Ҳаётимиздан мустаҳкам жой олаётган эркин иқтисод қоидалари одамларнинг турмуш даражасини кўтариш мақсадида янги имкониятлар, янги-янги манбалар барпо этмоқда. Инсон ўз қобилияти ва салоҳиятини тўла намоён этиши учун замин яратилмоқда.*

*Ўтган йили миллатимизни жаҳонга танитиш борасида ҳам кўп ишлар қилинди. Дунё бизни танимоқда, биз ҳам дунёни англамоқдамиз ва жаҳон ҳамжамиятидан, башариятнинг ягона оиласидан ўзимизга муносиб ўрин эгаллаш учун интилмоқдамиз.*

*Муҳтарам юртдошлар!*

*Мана шу дақиқаларда барчамиз Янги йил дастурхонлари атрофида тўпланиб, халқимизга хос азалий фазилатларга кўра ўтган умримиздан рози бўлиб, шукур қилиб, айни вақтда эртанги кунга катта умид билан қарашимиз табиийдир.*

*Бошимиздан кечирган синовлар, катта қийинчиликлар, босиб ўтилаётган тараққиёт босқичлари, шубҳасиз, Янги-1997 йил учун мустаҳкам замин бўлиб, иқтисодиётимизда, саноат, қишлоқ хўжалик ва бошқа тармоқларда, аввалам бор, ҳар бир оила ва умуман жамиятимиз ҳаётида ўз ижобий таъсирини кўрсатиши муқаррар.*

*Олдимизда турган мақсадларга эришиш, ҳаётимизни янада барқарорлаштириш учун ўтмишимиздан керакли сабоқлар чиқариб, эски иллатлардан жудо бўлиш, бошланган ислоҳотларни изчил давом эттириб, янгиланиш, покланиш йўлида янги, дадил қадамлар қўйиш бизнинг муҳим вазифамиз ва бурчимиз бўлмоғи зарур.*

*Азиз дўстлар!*

*1997 йилни мамлакатимизда* ***Инсон манфаатлари йили*** *деб эълон қилганимизнинг асосий мақсади, бу биринчи навбатда — дунёда энг ноёб бойлик бўлмиш инсон ҳаётига, шаънига, қадр-қимматига жамият эътиборини қаратиш.*

*— Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини кафолатлаш билан бирга, ҳар бир одам ўзининг бор имкониятларини, ақл-заковатини тўла рўёбга чиқариши учун шарт-шароит барпо этиш.*

*— Давлат, жамият ёрдамига муҳтож оила ва одамларга етарли кўмак ва мадад бериш. Бундай муносабат орқали уларни ҳаётда адолат борлигига, бобомиз Амир Темурнинг «**Куч — адолатда**» деган шиорини асос этиб олган давлатимизнинг қудратига ишончини мустаҳкамлаш.*

*— Оналик ва болаликни муҳофаза қилишдек энг олижаноб бурчимизга эътиборимизни кучайтириш, бунинг учун янги манбалар топиш,*

*— савобли ишларни давом эттириб, бутун умри ҳалол меҳнатда ўтган нуроний отахонларимизни, мунис онахонларимизни рози қилиш, уларнинг дуоларини олиш бизнинг кундалик бурчимизга айланиши даркор.*

*Янги йил арафасида ўзимнинг раҳбар сифатидаги, Президент сифатидаги масъулиятимни чуқур англаган ҳолда, Сиз азизларни ишонтириб айтаманки, бу мақсадлар давлатимизнинг ҳар қайси поғонадаги ҳокимият дастурларида марказий ўрин эгаллайди.*

*Бу вазифаларни амалга ошириш учун бор имкониятимизни, кучимизни, керак бўлса, жонимизни ҳам аямаймиз.*

*Ишонаманки, 1997 йил халқимизнинг, давлатимизнинг обрўсига обрў қўшади, озод ва обод ватан қуриш йўлида янги босқич бўлади, иншооллоҳ. Бунга бизнинг салоҳиятимиз ҳам, куч-қудратимиз ҳам етади.*

*Бу мақсадларга эришиш учун барчамиз сабр-тоқатли, меҳр-оқибатли, аҳил-баҳамжиҳат, шу билан бирга, қатъиятли ва шижоатли бўлишимиз керак.*

*Қадрли ватандошларим, юртдошларим!*

*Барчангизга мустаҳкам соғлиқ, тинчлик-омонлик тилайман. Янги йилингиз муборак бўлсин!*

*Янги йил ҳар қайси оила ва инсон учун бахт, файз-барака келтирсин!*

*Барчангизни Яратганимизнинг ўзи паноҳида сақласин!*

**Ислом КАРИМОВ.**

## БОЛАЛАР КЎЗИДАГИ ҚУВОНЧ

***Янги йил арафасида вилоятимизнинг барча шаҳар ва туманларида кичкинтойларга юртбошимиз совғалари топширилди***

Дилларда лиммо-лим эзгу орзулар, яхши ниятлар билан Инсон манфаатлари йилини ҳам бошладик. Бу айём арафасида вилоятимизнинг барча шаҳар ва туманларида турли сермазмун тадбирлар бўлиб ўтди. Аммо уларнинг ичида биттаси алоҳида ажралиб турди. Бу кичкинтойларга республика Президентининг махсус совғаларини топширишга бағишланган арча байрамлари бўлди.

Болалар тўғрисида ғамхўрлик, баркамол ёш авлодни вояга етказиш мамлакатимизда амалга оширилаётган хайрли, савобли ишларнинг асосийсидир. Куни кеча Ангрендаги 34-, Чирчиқдаги 14-меҳрибонлик уйларида, Бўкадаги болалар уйида ўтказилган арча байрамларида бўлган киши фарзандларимиз кўзидаги севинч ва қувончни кўриб боши кўкка етарди. Шинам безатилган арча атрофида жажжиларимиз роса ўйнаб қувнашди. Эртаклар қаҳрамонлари билан учрашишди. Қорбобо ва Қорқиз уларга турли эсдалик совғаларини топширди. Аммо байрам сўнгида шаҳар ва туман ҳокимликлари, вилоят халқ таълими бўлими ходимлари топширган республика Президентининг махсус Янги йил совғаси уларнинг қувончига қувонч қўшди. Вилоятимиздаги 750 нафар бола ана шундай совғани олиш бахтига муяссар бўлди.

Таҳририятимизга Оққўрғон, Пискент, Янгийўл туманлари ва қатор шаҳарларнинг мактаб ва боғчаларида, интернатларида ҳам Янги йил байрами зўр кўтаринки руҳда ўтаётганлиги ҳақида хабарлар келиб турипти. Янги йилингиз муборак бўлсин, азиз болажонлар!

**Саид ВАЛИЕВ.**



## ТИЛАК

*Янги йил қалбларда гуркирар орзу,*
*Ўтган йил қўлингга тутади кўзгу,*
*Ҳар кимга етади тошу тарозу.*
*Яхши ният билан очинг, қўлингиз.*
*Дўстлар, қутлуғ келсин янги йилингиз!*

*Қуёш садоқатин ҳар куни туйдик,*
*Ой чироқ бўлганда яйрадик, суйдик,*
*Йил ўтди, ўзимиз қайга ғишт қўйдик,*
*Хайру саховатдан ёруғ йўлингиз,*
*Дўстлар, қутлуғ келсин янги йилингиз!*

*Ҳақиқат ширindir, ҳақиқат аччиқ,*
*Йигитга не бордир омаддан ортиқ,*
*Барча бахт баробар кулмайди, аниқ.*
*Яратгандан сўранг, ният қилингиз,*
*Дўстлар, қутлуғ келсин янги йилингиз!*

*Туғилмоқ қувончдир, йўқотмоқ оғир.*
*Ким ошин ошади, ким қолди сағир.*
*Ўлчаб берилган-ку умримиз ахир,*
*Кўрган оқибатдан шодми дилингиз.*
*Дўстлар, қутлуғ келсин янги йилингиз!*

*Тўрт фасл ичида баҳори бўлак,*
*Ҳар очилган гулнинг оҳори бўлак,*
*Сизга айтгим келди бир ширин тилак,*
*Нурга, гулга тўлсин ўнгу сўлингиз,*
*Дўстлар, қутлуғ келсин янги йилингиз!*

*Ватан жонимизда жаранглаган куй,*
*Кел соқий, ҳурликнинг шаробидан қуй.*
*Дунёда нима бор дийдордан хушрўй,*
*Бағримга босайин, сиқай қўлингиз,*
*Дўстлар, қутлуғ келсин янги йилингиз!*

**Маҳмуд ТОИРОВ.**

## ЮКСАЛИШ САРИ

***Мустақиллигини қўлга киритган мамлакатимиз ўзининг порлоқ истиқболи томон собит қадам ташлаяпти. Ижтимоий йўналишдаги иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш жараёни тобора жадаллашмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти сўзлари билан айтадиган бўлсак «Мустақиллик шароитида ўтаётган ҳар бир кунимиз, ҳар бир қилаётган ишимиз халқимизнинг беқиёс яратувчилик салоҳиятини, бунёдкорлик истеъдодини, куч ва қудратини яққол кўрсатмоқда».***

Мамлакатимиз бозор муносабатларига ўтиш даврининг энг қийин, мураккаб босқичини босиб ўтди. Юзага келган қийинчиликлар бирин-кетин орқада қолмоқда. Халқ хўжалигининг аксарият тармоқлари қатори саноат ишлаб чиқариши ҳам барқарорликдан ривожланиш сари юз тутмоқда. Бу тамойил 1996 йилда яққол кўзга ташланди. Республикамиз иқтисодиёти ўз мавқеини кун сайин мустаҳкамлаб борди. Шу туфайли ҳам ўтган йили саноат ишлаб чиқариш ҳажми бўйича МДҲ мамлакатлари ўртасида биринчи бўлиб 1991 йилдаги даражадан ўзиб кетди. Бунда республикамизнинг йирик саноат марказларидан ҳисобланган вилоятимизнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Шуни айтиш кифояки, ўтган йили вилоятда саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми олдинги йилдагига нисбатан деярли 15 фоиз кўпайди.

Иқтисодий ислоҳотларнинг амалга оширилиши туфайли мулкчиликнинг турли шакллари юзага кел-

(Давоми 2-бетда).

1997 Йилнинг дастлабки хабарлари

1997 Йилнинг дастлабки хабарлари

## СОҲИБҚИРОН ПАРКЕНТДА ЭСЛАНДИ

ВИЛОЯТИМИЗНИНГ шаҳар ва туманларида буюк бобокалонимиз Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган маросимлар ҳамон давом этмоқда. Куни кеча шундай тантаналардан бири Паркентда бўлиб ўтди. Туман ҳокимлиги, «Камолот» жамғармасининг туман бўлими, «Паркент тонгги» газетаси таҳририяти ва «Наврўз» жамғармасининг туман бўлими ҳамкорликда ташкил этган тантанада олимлар-филология фанлари номзоди Турғун Файзиев, тарих фанлари номзоди Азамат Зиёев, таржимон Баҳодир Эрматов, «Амир Темур» илмий экспедицияси жамғармаси раиси Фахриддин Ашрафхўжаев, ёзувчи ва шоирлардан Хайриддин Султонов, Шарифа Султонова, «Камолот» жамғармаси вилоят бўлими раиси муовини Садриддин Сайфуллаев ва бошқалар иштирок этди. Улар соҳибқироннинг кўп қиррали фаолияти ҳақида гапирдилар.

Тантанада Амир Темур ҳаётидан саҳна кўринишлари кўрсатилди, ҳайрия лотереяси ўтказилди. «Паркент гуллари» ашула-рақс дастаси қатнашчилари ўз куй-қўшиқлари билан хизматда бўлишди.

***Миркомил ҲАМИДОВ,***
***«Камолот» жамғармаси туман бўлими раисининг ўринбосари.***

## ЯНА БИР ХАЙРЛИ ИШ

«СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН» халқаро хайрия жамғармасининг вилоят бўлими томонидан янги йил арафасида бошланган яна бир саховатли иш ниҳоясига етди. Малакали шифокорлардан иборат соғломлаштириш гуруҳи ҳаракатдаги лаборатория — «Амбуланс» билан турли шаҳар ва туманларда бўлиб ҳомиладор аёллар ҳамда болалар саломатлигини тиббий кўрикдан ўтказди. Беморлар шифохоналарга ётқизилиб, зарур дори-дармонлар билан таъминланди.

Йил мобайнида бир-неча бор танловлар, саломатликни умумий назоратдан ўтказиш кўрикларини ташкил этган мазкур жамғарманинг фаолияти Республика «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси томонидан муносиб баҳоланди ва унга 5 миллион сўмликка яқин дори-дармон ажратилди.

Инсонийлик ёрдами тарзида ажратилган бу даво воситалари вилоят шифохоналарига тарқатила бошланди.

**Саид САИДАҲМЕДОВ.**

## «МОЗИЙГА БИР НАЗАР»

КУНИ КЕЧА Зангиота туман Эркин қишлоқ кутубхонаси ижодий жамоаси Абдурауф Фитрат таваллудининг 110 йиллигига бағишлаб «Мозийга бир назар» деб номланган адабий-мусиқий томошани намойиш этдилар. Абдурауф Фитратнинг ижодий йўли, унинг ҳаёти, Ватанга бўлган муҳаббати акс эттирилган лавҳаларни кутубхона ходимларидан Наргиза Исмоилова, Шоира Эргашева, Доно Файзиева, Саодат Обиддиновалар саҳнага олиб чиқдилар. Шунингдек, кутубхонада ташкил этилган «Улар Ватан озодлиги учун курашган эдилар» деб номланган кўргазма ҳам янги маълумотларга бойлиги билан катта қизиқиш уйғотди.

**С. САЛОҲОВ.**

## ВАТАН МАДҲИНИ КУЙЛАБ

ҚИШЛОҚ маданият уйларида фаолият олиб бораётган дасталарнинг концерт томошалари ранг-баранглиги, янги овозларга бойлиги билан мухлислар эътиборини қозонмоқда. Куни кеча Пискент туман Муродали қишлоқ маданият уйининг «Орзу» ашула ва рақс дастаси «Ватан ҳақида қўшиқ» деб номланган янги дастурни томошабинлар эътиборига тақдим этдилар. Барчамизнинг муқаддас заминимиз бўлмиш — Ўзбекистон тараннум этилган куй ва қўшиқлар, мафтункор рақслар санъат мухлисларига катта завқ улашмоқда. Дастурни ансамблнинг бадиий раҳбари Ҳабибулло Бобохонов саҳналаштирган.

***Салоҳиддин СИРОЖИДДИНОВ.***

## «ҚИЗОНА»-ЛИКЛАР ГАЗ ЁҚИШДИ

ҚУЙИЧИРЧИҚ. «Дўстлик» жамоа хўжалигидаги «Қизона» қишлоғи фуқаролари янги йил арафасида ажойиб совға олдилар. 150 хонадон истиқомат қиладиган қишлоққа 10,5 километрлик газ қувурлари тортиш ишлари ниҳоясига етказилди. Хонадонларда «зангори олов» ёна бошлади. Бу тадбирда жамоа хўжалиги, фуқаролар йиғини раҳбарларининг, туман ҳокимлигининг ёрдами ва саховати катта бўлди.

***Носир ИСАЕВ.***

# 1997 ЙИЛ — ИНСОН МАНФААТЛАРИ ЙИЛИ

**ЯНВАРЬ**

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | 6 | 13 | 20 | 27 |
| | 7 | 14 | 21 | 28 |
| **1** | 8 | 15 | 22 | 29 |
| 2 | 9 | 16 | 23 | 30 |
| 3 | 10 | 17 | 24 | 31 |
| 4 | 11 | 18 | 25 | |
| **5** | **12** | **19** | **26** | |

**ФЕВРАЛЬ**

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | 3 | 10 | 17 | 24 |
| | 4 | 11 | 18 | 25 |
| | 5 | 12 | 19 | 26 |
| | 6 | 13 | 20 | 27 |
| | 7 | 14 | 21 | 28 |
| 1 | 8 | 15 | 22 | |
| **2** | **9** | **16** | **23** | |

**МАРТ**

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | 3 | 10 | 17 | 24 |
| | 4 | 11 | 18 | 25 |
| | 5 | 12 | 19 | 26 |
| | 6 | 13 | 20 | 27 |
| | 7 | 14 | **21** | 28 |
| 1 | **8** | 15 | 22 | 29 |
| **2** | **9** | **16** | **23** | **30** |

**АПРЕЛЬ**

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | 7 | 14 | 21 | 28 |
| 1 | 8 | 15 | 22 | 29 |
| 2 | 9 | 16 | 23 | 30 |
| 3 | 10 | 17 | 24 | |
| 4 | 11 | 18 | 25 | |
| 5 | 12 | 19 | 26 | |
| **6** | **13** | **20** | **27** | |

**МАЙ**

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | 5 | 12 | 19 | 26 |
| | 6 | 13 | 20 | 27 |
| | 7 | 14 | 21 | 28 |
| 1 | 8 | 15 | 22 | 29 |
| 2 | **9** | 16 | 23 | 30 |
| 3 | 10 | 17 | 24 | 31 |
| **4** | **11** | **18** | **25** | |

**ИЮНЬ**

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | 2 | 9 | 16 | 23 | 30 |
| | 3 | 10 | 17 | 24 | |
| | 4 | 11 | 18 | 25 | |
| | 5 | 12 | 19 | 26 | |
| | 6 | 13 | 20 | 27 | |
| | 7 | 14 | 21 | 28 | |
| **1** | **8** | **15** | **22** | **29** | |



**ИЮЛЬ**

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | 7 | 14 | 21 | 28 |
| 1 | 8 | 15 | 22 | 29 |
| 2 | 9 | 16 | 23 | 30 |
| 3 | 10 | 17 | 24 | 31 |
| 4 | 11 | 18 | 25 | |
| 5 | 12 | 19 | 26 | |
| **6** | **13** | **20** | **27** | |

**АВГУСТ**

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | 4 | 11 | 18 | 25 |
| | 5 | 12 | 19 | 26 |
| | 6 | 13 | 20 | 27 |
| | 7 | 14 | 21 | 28 |
| 1 | 8 | 15 | 22 | 29 |
| 2 | 9 | 16 | 23 | 30 |
| **3** | **10** | **17** | **24** | **31** |

**СЕНТЯБРЬ**

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| **1** | 8 | 15 | 22 | 29 |
| 2 | 9 | 16 | 23 | 30 |
| 3 | 10 | 17 | 24 | |
| 4 | 11 | 18 | 25 | |
| 5 | 12 | 19 | 26 | |
| 6 | 13 | 20 | 27 | |
| **7** | **14** | **21** | **28** | |

**ОКТЯБРЬ**

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | 6 | 13 | 20 | 27 |
| | 7 | 14 | 21 | 28 |
| 1 | 8 | 15 | 22 | 29 |
| 2 | 9 | 16 | 23 | 30 |
| 3 | 10 | 17 | 24 | 31 |
| 4 | 11 | 18 | 25 | |
| **5** | **12** | **19** | **26** | |

**НОЯБРЬ**

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | 3 | 10 | 17 | 24 |
| | 4 | 11 | 18 | 25 |
| | 5 | 12 | 19 | 26 |
| | 6 | 13 | 20 | 27 |
| | 7 | 14 | 21 | 28 |
| 1 | 8 | 15 | 22 | 29 |
| **2** | **9** | **16** | **23** | **30** |

**ДЕКАБРЬ**

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| 1 | **8** | 15 | 22 | 29 |
| 2 | 9 | 16 | 23 | 30 |
| 3 | 10 | 17 | 24 | 31 |
| 4 | 11 | 18 | 25 | |
| 5 | 12 | 19 | 26 | |
| 6 | 13 | 20 | 27 | |
| **7** | **14** | **21** | **28** | |

## БИЗНИНГ БАЙРАМЛАРИМИЗ

- 1 январь — Янги йил
- 8 март — Хотин-қизлар куни
- 21 март — Наврўз байрами
- 9 май — Ғалаба куни
- 1 сентябрь — Мустақиллик куни
- 1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар куни
- 8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни
- Рўза хайитининг биринчи куни
- Қурбон хайитининг биринчи куни

## СОҲИБҚИРОН АМИР ТЕМУР ДЕЙДИЛАР...

*• Давлат — лашкару фуқароларнинг садоқати ва фидойилиги-ла қудратлидир.*

***

*• Уламо билан суҳбатда бўл ва пок ниятли, тоза қалбли кишиларга талпин. Буларнинг ҳимматларидан улуш тиланиб, муборак нафаслари билан дуои-фотиҳа беришларини илтимос қил.*

***

*• Ҳеч кимга ғазаб билан қаттиқ муомала қилмадим ва ҳеч бир ишда танглик қилмадим, токи Тангри таолонинг ғазабига дучор бўлмайин ва ишимни бузиб, ҳолимни танг айламасин деб.*

***

*• Яхшиларга яхшилик қилдим, ёмонларни эса ўз ёмонликларига топширдим. Ким менга дўстлик қилган бўлса, дўстлиги қадрини унутмадим ва унга мурувват, эҳсон, иззату икром кўрсатдим.*

## ВАЗНИНГИЗНИ НАЗОРАТ ҚИЛИБ БОРИНГ

Қоматнинг семиз ҳам, ориқ ҳам бўлмаслиги инсон саломатлигини белгиловчи муҳим омиллардан бири. Қуйидаги жадвалдан эркак ва аёллар учун (18 ёшдан юқори) қандай оғирлик энг мақбул бўлишини билиб оласиз.

| Бўй, см. | энг мақбул вазн, кг | меёрида ҳисобланадиган вазн, кг | семизлик, кг |
|---|---|---|---|
| 150 | 50 | 45-56 | 68 |
| 152 | 51 | 46-58 | 69 |
| 154 | 52 | 47-59 | 71 |
| 156 | 54 | 49-61 | 73 |
| 158 | 55 | 50-62 | 75 |
| 160 | 56 | 51-65 | 77 |
| 162 | 58 | 52-66 | 79 |
| 164 | 59 | 54-67 | 81 |
| 166 | 61 | 55-69 | 83 |
| 168 | 62 | 56-71 | 85 |
| 170 | 64 | 68-72 | 87 |
| 172 | 65 | 59-74 | 89 |
| 174 | 67 | 61-76 | 91 |
| 176 | 68 | 62-77 | 93 |
| 178 | 70 | 63-79 | 95 |
| 180 | 71 | 65-81 | 97 |
| 182 | 73 | 66-83 | 99 |
| 184 | 75 | 68-85 | 102 |
| 186 | 76 | 69-86 | 104 |
| 188 | 78 | 71-88 | 106 |
| 190 | 79 | 72-90 | 108 |
| 192 | 81 | 74-92 | 111 |
| 194 | 83 | 75-94 | 113 |

## СИЧҚОН КЕТИДАН СИГИР



Бошланаётган 1997 йил мучал ҳисоби бўйича Сигир йилидир. У тугаётган Сичқон йили кетидан келади ва шарқ халқлари тақвимида 21 мартдан бошланади.

Асримизда 1901, 1913, 1925, 1937, 1949, 1961, 1973, 1985 йилларда ана шу мучал келган. Бу йилларда туғилганлар сабр-тоқатли, камгап, вазмин, яхши феъл-атворли кишилардир. Аммо вақти-вақти билан ўзларини тута олмай қолиб, дарғазаб бўлишади. Одатда жисмоний жиҳатдан бақувват, ҳаётнинг аччиқ-чучугини тотишга бардошли одамлардир.

Савдо-сотиқда, ижтимоий муносабатларда паст-баландни яхши ажрата олишмайди. Аммо уларнинг ҳаммаси оилапарвар, болаларини яхши кўришади, фарзанд ва аҳли аёллари учун бахт саодат келтирувчи ҳақиқий меҳнаткашдирлар. Кексайганларида мушкул аҳволга тушиб қолишлари мумкин. Аммо уни бартараф эта олиб, қарилик гаштини хотиржам сураверадилар.

## РЎЗА ТУТИШНИНГ САҲАРЛИК ВА ИФТОРЛИК ВАҚТЛАРИ

### РЎЗА ТУТИШ (ОҒИЗ ЁПИШ) НИЯТИ

**Наввайту ан асума шаҳра Рамазана минал фажри илал мағриб, холисан лиллаҳи Таъала. Аллоҳу акбар.**

ЯЪНИ: Аллоҳ таоло учун ихлосим бирла рамазон ойининг рўзасини субҳдан кун ботгунча тутмоқликни ният қилдим. Аллоҳу акбар.

| Рамазон кунлари | Январь февраль | Ҳафта кунлари | Саҳарлик тугаши | Ифтор вақти |
|---|---|---|---|---|
| 1 | 10 | Жума | 6:09 | 17:13 |
| 2 | 11 | Шанба | 6:08 | 17:14 |
| 3 | 12 | Якшанба | 6:08 | 17:15 |
| 4 | 13 | Душанба | 6:07 | 17:16 |
| 5 | 14 | Сешанба | 6:07 | 17:17 |
| 6 | 15 | Чоршанба | 6:06 | 17:18 |
| 7 | 16 | Пайшанба | 6:06 | 17:19 |
| 8 | 17 | Жума | 6:05 | 17:20 |
| 9 | 18 | Шанба | 6:05 | 17:21 |
| 10 | 19 | Якшанба | 6:04 | 17:22 |
| 11 | 20 | Душанба | 6:04 | 17:23 |
| 12 | 21 | Сешанба | 6:03 | 17:24 |
| 13 | 22 | Чоршанба | 6:03 | 17:25 |
| 14 | 23 | Пайшанба | 6:02 | 17:26 |
| 15 | 24 | Жума | 6:01 | 17:27 |
| 16 | 25 | Шанба | 6:01 | 17:29 |
| 17 | 26 | Якшанба | 6:00 | 17:31 |
| 18 | 27 | Душанба | 5:59 | 17:32 |
| 19 | 28 | Сешанба | 5:58 | 17:33 |
| 20 | 29 | Чоршанба | 5:58 | 17:34 |
| 21 | 30 | Пайшанба | 5:57 | 17:35 |
| 22 | 31 | Жума | 5:56 | 17:36 |
| 23 | 1 | Шанба | 5:55 | 17:37 |
| 24 | 2 | Якшанба | 5:54 | 17:38 |
| 25 | 3 | Душанба | 5:53 | 17:40 |
| 26 | 4 | Сешанба | 5:52 | 17:41 |
| 27 | 5 | Чоршанба | 5:51 | 17:42 |
| 28 | 6 | Пайшанба | 5:50 | 17:43 |
| 29 | 7 | Жума | 5:48 | 17:45 |
| 30 | 8 | Шанба | 5:47 | 17:47 |

### ИФТОРЛИК (ОҒИЗ ОЧИШ) НИЯТИ

**Аллоҳумма лака сумту ва бика аманту ва алайка таваккалту ва ала ризқика афтарту, фағфирли ва қоддамту ва ма аххарту бироҳматика йа арҳамар роҳимин.**

ЯЪНИ: Эй, бор Худоё, ушбу рўзамни фақат сенинг учун тутдим ва сенга иймон келтирдим ва сенга таваккал қилдим ва сенинг берган ризқинг билан ифтор қилдим, эй гуноҳларни афв қилувчи Аллоҳ, менинг аввалги гуноҳларимни ва кейинги гуноҳларимни мағфират қилгил ва ярлақагил.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOSHKENT HAQIQATI

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 33-40-48
Эълонлар: 33-99-15, 36-57-27.

• Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Рўйҳатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-06. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Адади 15.733 нусха.

"Шарқ" нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: 64672. Босишга топшириш вақти – 20. 30. Босишга топширилди – 17.00. 1 2 3 4 5 6